IQRO JURNALI , IQRO JOURNAL, ИКРО ЖУРНАЛИ
ISSN:2181-4341| wordlyknowledge.uz/index.php/iqro
Volume 22 Issue 01 IYUN 2026

ЖИНОЯТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ БЕЛГИЛАРИ

Наурзбаев Дамир
Бердақ номидаги Қорақалпоқ
давлат университети стажёр ўқитувчиси

Аннотация

Мазкур мақолада жиноят тушунчасининг ҳуқуқий мазмуни, унинг жиноят ҳуқуқи тизимидаги ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган. Шунингдек, жиноятнинг асосий белгилари бўлган ижтимоий хавфлилик, ҳуқуққа хилофлик, айблилик ва жазога сазоворлик тушунчалари илмий-назарий ҳамда қонунчилик нуқтаи назаридан ёритилган. Мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси нормалари асосида жиноят тушунчасининг мазмуни очиб берилган ҳамда унинг бошқа ҳуқуқбузарликлардан фарқли жиҳатлари кўрсатилган. Тадқиқот натижалари жиноят ҳуқуқи назариясини такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида жиноятларни тўғри квалификация қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: Жиноят, жиноят тушунчаси, жиноят ҳуқуқи, жиноий жавобгарлик, ижтимоий хавфлилик, ҳуқуққа хилофлик, айблилик, жазога сазоворлик, жиноят таркиби, жиноят субъекти, жиноят объекти, қасд, эҳтиётсизлик, жиноят квалификацияси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси.

AnnotationThis article analyzes the legal essence of the concept of crime, its place, and significance within the system of criminal law. It also examines the main characteristics of a crime, including social danger, unlawfulness, guilt, and punishability, from both theoretical and legislative perspectives. Based on the provisions of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan, the article reveals the content of the concept of crime and highlights its distinguishing features from other types of legal offenses. The findings of the study are important for the further development of criminal law theory and for the proper qualification of crimes in law enforcement practice.

Keywords: Crime, concept of crime, criminal law, criminal liability, social danger, unlawfulness, guilt, punishability, corpus delicti (elements of a crime), subject of crime, object of crime, intent, negligence, crime qualification, Criminal Code of the Republic of Uzbekistan.

Аннотация

В данной статье анализируются правовая сущность понятия преступления, его место и значение в системе уголовного права. Также рассматриваются основные признаки преступления, включая общественную опасность, противоправность, виновность и наказуемость, с теоретической и законодательной точек зрения. На основе положений Уголовного кодекса Республики Узбекистан раскрывается содержание понятия преступления и выделяются его отличительные особенности по сравнению с другими видами правонарушений. Результаты исследования имеют важное значение для дальнейшего развития теории уголовного права и правильной квалификации преступлений в правоприменительной практике.

Ключевые слова: преступление, понятие преступления, уголовное право, уголовная ответственность, общественная опасность, противоправность, виновность, наказуемость, состав преступления, субъект преступления, объект преступления, умысел, неосторожность, квалификация преступления, Уголовный кодекс Республики Узбекистан.

Кириш

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш ҳамда жамиятда хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу вазифаларни амалга оширишда жиноят ҳуқуқи алоҳида ўрин тутади. Жиноят ҳуқуқи жамият учун энг хавфли ҳисобланган қилмишларни белгилаш, улар учун жавобгарлик чораларини назарда тутиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқ соҳаси сифатида намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан жиноят тушунчаси ва унинг белгилари жиноят ҳуқуқининг марказий ва асосий институтларидан бири ҳисобланади.

Жиноят тушунчасини илмий ва амалий жиҳатдан тўғри англаш жиноят ҳуқуқи нормаларини самарали қўллашда муҳим аҳамиятга эга. Чунки муайян қилмишнинг жиноят деб топилиши ёки топилмаслиги, шахснинг жиноий жавобгарликка тортилиши ёки тортилмаслиги айнан жиноят тушунчасининг мазмуни ва уни ташкил этувчи белгиларни тўғри аниқлашга боғлиқдир. Агар содир этилган қилмиш қонунчиликда белгиланган жиноят аломатларига эга бўлмаса, у ҳолда мазкур қилмиш учун жиноий жавобгарлик юзага келмайди. Шунинг учун ҳам жиноят тушунчаси нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эга бўлган муҳим ҳуқуқий категория ҳисобланади.

Замонавий жамиятда турли хил ҳуқуқбузарликлар содир этилмоқда. Бироқ ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ҳам жиноят ҳисобланмайди. Ҳуқуқбузарликлар ўзининг ижтимоий хавфлилик даражаси, келтириб чиқарадиган оқибатлари ва ҳуқуқий баҳоланишига кўра бир-биридан фарқ қилади. Шу сабабли жиноятни маъмурий, интизомий ёки фуқаролик-ҳуқуқий ҳуқуқбузарликлардан ажратиб турувчи белгиларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги, ҳуқуққа хилофлиги, айблилиги ва жазога сазоворлиги каби белгилари унинг ҳуқуқий моҳиятини очиб беришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари шароитида жиноят қонунчилигини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш ва жиноятчиликка қарши самарали курашиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса жиноят тушунчасини янада чуқурроқ тадқиқ қилиш, унинг назарий асосларини таҳлил этиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида тўғри татбиқ этиш заруратини келтириб чиқаради. Жиноят тушунчасининг мазмунини аниқ белгилаш орқали шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини асоссиз чеклаш ҳолатларининг олди олинади, шунингдек қонун устуворлиги ва адолат принципларининг таъминланишига хизмат қилади.

Жиноят ҳақидаги таълимот жиноят ҳуқуқи фанининг энг муҳим бўлимларидан бири ҳисобланади. У жиноятнинг моҳияти, унинг ҳуқуқий табиати, жиноят деб топиш мезонлари ва жиноятнинг бошқа ҳуқуқбузарликлардан фарқли жиҳатларини ўрганади. Жиноят тушунчасининг илмий таҳлили ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштириш, жиноятларни тўғри квалификация қилиш ва жиноий жавобгарлик масалаларини ҳал этишда муҳим назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Мазкур мақоланинг мақсади жиноят тушунчасининг ҳуқуқий мазмунини очиб бериш, унинг асосий белгиларини таҳлил қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси нормалари асосида жиноятнинг ҳуқуқий хусусиятларини ёритишдан иборат. Шунингдек, мақолада жиноятни бошқа ҳуқуқбузарлик турларидан ажратиб турувчи муҳим мезонлар кўриб чиқилиб, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти таҳлил қилинади.

Муҳокама ва натижалар

Жиноят тушунчаси жиноят ҳуқуқининг марказий институтларидан бири ҳисобланади. Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноятнинг моҳиятини аниқлаш нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эга. Чунки муайян қилмишнинг жиноят деб топилиши ёки топилмаслиги, шахснинг жиноий жавобгарликка тортилиши ёки тортилмаслиги айнан

жиноят тушунчасининг мазмунини тўғри англаш билан боғликдир. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 14-моддасига мувофиқ, «ушбу Кодекс билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади»[1]. Мазкур таъриф жиноятнинг асосий юридик белгиларини мужассамлаштирган бўлиб, улар ижтимоий хавфлилик, ҳуқуққа хилофлик, айблилик ва жазога сазоворликдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасига мувофиқ, ҳар кимнинг ҳуқуқ ва эркинликлари суд орқали ҳимоя қилиниши кафолатланади ҳамда ҳеч ким қонунда назарда тутилмаган тартибда ва асосларда жавобгарликка тортилиши мумкин эмас[2]. Мазкур конституциявий қоида жиноят ҳуқуқининг қонунийлик ва адолат принциплари учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Шу боис жиноят тушунчасини аниқ белгилаш, унинг ҳуқуқий белгиларини тўғри талқин қилиш ва амалиётда қўллаш фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади. Жиноят деб фақат қонун билан белгиланган ва жамият учун хавфли бўлган қилмишларнинг эътироф этилиши ҳуқуқий давлатнинг муҳим талабларидан бири ҳисобланади.

Жиноят тушунчасининг шаклланиши узоқ тарихий тараққиёт натижасида вужудга келган. Турли давлатларда жиноятга нисбатан турлича ёндашувлар мавжуд бўлган бўлса-да, замонавий ҳуқуқий давлатларда жиноят деганда, аввало, жамият ва давлат манфаатларига жиддий зарар етказувчи ижтимоий хавфли қилмиш тушунилади. Шу маънода жиноятнинг биринчи ва асосий белгиси ижтимоий хавфлилик ҳисобланади.

Таниқли рус ҳуқуқшунос олими А.В. Наумовнинг таъкидлашича, жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги уни бошқа барча ҳуқуқбузарликлардан ажратиб турувчи асосий мезон ҳисобланади. Олимнинг фикрича, ижтимоий хавфлилик қилмишнинг шахс, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказиш ёки шундай зарар етказиш хавфини келтириб чиқариш хусусияти билан белгиланади. Наумов жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси жиноий жазо турини ва миқдорини белгилашда ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этади[3].

Ўзбекистонлик олим Х.А. Раҳмонқулов ҳам жиноятнинг ижтимоий хавфлилик белгисига алоҳида тўхталиб, уни жиноят ҳуқуқининг фундаментал тушунчаларидан бири сифатида баҳолайди. Унинг фикрича, ижтимоий хавфлилик жиноятнинг моддий белгиси бўлиб, айнан шу белги қилмишни жиноят сифатида баҳолаш имконини беради. Олим жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга етказиладиган зарар даражаси орқали намоён бўлишини таъкидлайди[4].

Жиноятнинг иккинчи муҳим белгиси ҳуқуққа хилофликдир. Ҳуқуққа хилофлик деганда қилмишнинг жиноят қонуни билан тақиқланганлиги тушунилади. Бу белги «қонунсиз жиноят йўқ» принципининг амалий ифодаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 2-моддасига мувофиқ, фақат Кодексда назарда тутилган қилмишлар жиноят деб топилиши мумкин. Демак, қонунчиликда жиноят сифатида белгиланмаган ҳар қандай қилмиш қанчалик ахлоққа зид бўлмасин, жиноят деб баҳоланмайди[5].

Ҳуқуққа хилофлик белгиси фуқароларнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур принцип ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатларини чеклайди ҳамда шахснинг асоссиз равишда жиноий жавобгарликка

[1] Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, 14-модда. https://lex.uz/acts/-111453
[2] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023. – 27-модда.
[3] Наумов А.В. Уголовное право. Общая часть: Учебник. – Москва: Норма, 2019. – С. 112–115.
[4] Раҳмонқулов Х.А. Интеллектуал мулк ҳуқуқи. – Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2020. – Б. 45–47.
[5] Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, https://lex.uz/acts/-111453

тортилишининг олдини олади. Шу боис ҳуқуқий давлатларда жиноят ҳуқуқининг муҳим принципларидан бири сифатида қонунийлик принципи эътироф этилади.

Жиноятнинг навбатдаги белгиси айблилик ҳисобланади. Айблилик шахснинг ўз қилмиши ва унинг оқибатларига бўлган руҳий муносабатини англатади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 20-моддасига мувофиқ, шахс фақат қасд ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этган ижтимоий хавфли қилмишлари учун жавобгар бўлади. Айбсиз ҳолда етказилган зарар учун эса жиноий жавобгарлик юзага келмайди.

А.В. Наумов айбни жиноят таркибининг мажбурий субъектив элементи сифатида баҳолайди. Олимнинг фикрича, айбнинг мавжуд эмаслиги жиноий жавобгарликни бутунлай истисно этади. Бу қоида инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва одил судловни амалга оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 9-моддасида ҳам айб учун жавобгарлик принципи мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра шахс фақат айби исботланган ижтимоий хавфли қилмиши учунгина жавобгар бўлади. Мазкур норма жиноят ҳуқуқида субъектив айблаш принципининг муҳим ҳуқуқий кафолати ҳисобланади.

Жиноятнинг тўртинчи белгиси жазога сазоворликдир. Жазога сазоворлик деганда жиноят содир этган шахсга нисбатан давлат томонидан жиноий жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилиши мумкинлиги тушунилади. Бу белги жиноятнинг ҳуқуқий оқибатини ифодалайди. Жазога сазоворлик белгиси мавжуд бўлмаган тақдирда қилмиш жиноят сифатида баҳоланмайди[6].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 16-моддасида жиноят учун жавобгарлик жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибати эканлиги белгиланган. Моддага мувофиқ, жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос ҳисобланади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, жиноят тушунчасининг барча белгилари ўзаро узвий боғлиқдир. Ижтимоий хавфлилик моддий белги сифатида намоён бўлса, ҳуқуққа хилофлик унинг юридик ифодасини ташкил этади. Айблилик қилмишнинг субъектив томонини очиб берса, жазога сазоворлик эса давлатнинг мазкур қилмишга бўлган ҳуқуқий муносабатини ифодалайди. Ушбу белгилардан бирортасининг мавжуд эмаслиги қилмишни жиноят деб топиш имкониятини истисно қилади.

Ҳулоса

Ҳулоса қилиб айтганда, жиноят тушунчаси жиноят ҳуқуқининг энг муҳим ва асосий институтларидан бири ҳисобланади. Жиноятга берилган ҳуқуқий таъриф ва унинг белгилари жиноят ҳуқуқи нормаларини тўғри қўллаш, қилмишларни аниқ квалификация қилиш ҳамда шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади. Жиноят тушунчасининг мазмунини тўғри англаш жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш ва қонунийлик принципини таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқот давомида жиноятнинг асосий белгилари – ижтимоий хавфлилик, ҳуқуққа хилофлик, айблилик ва жазога сазоворлик ҳар томонлама таҳлил қилинди. Аниқландики, мазкур белгилар жиноят тушунчасининг ажралмас элементлари бўлиб, уларнинг ҳар бири муайян ҳуқуқий аҳамиятга эга. Ижтимоий хавфлилик қилмишнинг жамият, давлат ва шахс манфаатларига зарар етказиш хусусиятини ифодаласа, ҳуқуққа хилофлик ушбу қилмишнинг жиноят қонуни билан тақиқланганлигини англатади. Айблилик шахснинг содир этилган қилмишга бўлган руҳий муносабатини ифода этса, жазога сазоворлик эса жиноятнинг ҳуқуқий оқибати сифатида намоён бўлади.

[6] Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. – Тошкент: ILM ZIYO, 2018. – Б. 85–88.

Шунингдек, таҳлиллар натижасида жиноятни бошқа ҳуқуқбузарлик турларидан ажратиб турувчи асосий мезонлар айнан мазкур белгилар эканлиги аниқланди. Агар ушбу белгилардан бири мавжуд бўлмаса, қилмишни жиноят деб баҳолаш мумкин эмас. Бу эса жиноят ҳуқуқида қонунийлик, адолат ва инсонпарварлик принципларининг таъминланишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Жиноят кодекси нормаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, мамлакатимизда жиноят ҳуқуқи соҳасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шахснинг айби исботланмагунча уни жавобгар деб ҳисобламаслик ҳамда жиноий жавобгарликнинг қонуний асосларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса ҳуқуқий демократик давлат қуриш жараёнида муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур тадқиқот натижалари жиноят тушунчасининг назарий асосларини янада чуқурроқ англашга, жиноят ҳуқуқи соҳасидаги илмий изланишларни ривожлантиришга ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида жиноятларни тўғри квалификация қилишга хизмат қилади. Шу боис жиноят тушунчаси ва унинг белгиларига оид илмий тадқиқотларни давом эттириш, миллий қонунчиликни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023. – 80 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Тошкент: Адолат, 2025. – 420 б.
3. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. – Тошкент: ILM ZIYO, 2018. – 496 б.
4. Наумов А.В. Уголовное право. Общая часть: Учебник. – 7-е изд., перераб. и доп. – Москва: Норма, 2019. – 752 с.
5. Усмоналиев М.Ҳ., Бакунов П.У. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 384 б.